




ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 109 (9.453) 2000 йил 13 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити» деб ном олган сессиясида иштирок этди

БМТ ташкилий жиҳатдан барча халқаро ташкилотлардан устун туради. Асримиз бошида Миллатлар лигаси сифатида фаолият бошлаган бу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳозирги номни олди. Унга ўшанда 51 мамлакат аъзо эди. Ҳозир БМТ 188 мамлакатни бирлаштирган.

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Шу боис, БМТ аввало урушларнинг олдини олиши керак. Бунинг учун дунёнинг барча нуқталарида мавжуд вазиятдан бохабар бўлиш, келиб чиқishi мумкин бўлган можароларни олдиндан кўра билиш, кескинликни юмшатиш лозим. Дунёда тинчликни шу орқали таъминлаш мумкин.

БМТнинг қолган вазифалари ҳам бевосита уруш ва тинчлик билан боғлиқ. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мамлакатлар ривожини мувофиқлаштиришдир. Инсон ҳуқуқлари поймол этиладиган мамлакатда вазият барқарор бўлиши кийин. Шу билан бирга, уруш бўлган жойда тинч аҳолининг ҳаёт қўриши, яъни инсон ҳуқуқлари поймол этилиши муқаррар. Мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётидаги тафовутлар ҳам маълум даражада вазиятни издан чиқаради. Қучлироқ мамлакат камқувватроғи устидан ҳукм юритишга интилади. Бир мамлакат бирор жиҳатдан бўйсундирилгандан кейин, кейингисига тазийқ бошланади. Бу эса кўп ҳолларда, катта галаёнларга, фуқаролар урушига, бир сўз билан айтганда, қуролли можарога олиб келади. Мисол сифатида Африка, Жануби-шарқий Осиёдаги воқеаларни келтириш мумкин.

Хўш, шундай мураккаб шароитда дунёнинг энг катта ва энг нуфузли ташкилоти қандай йўл тутаяпти? Албатта, унинг фаолиятига оид талай ижобий томонлардан кўз юйиб бўлмайди. Тинчликни сақлаш миссиялари, очарчилик, қурғоқчилик ва бошқа оғатлардан азият чекаётган мамлакатларга ёрдам, воситачилик, қочқинларнинг аҳолини яхшилаш, имфанд, маданият, тарих, экология, иқтисод, молия, савдо-сотиқ соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишлар эътиборга лойиқ. Лекин БМТ ҳозирги замон талабларига тўла мос равишда ишлаш оялтиликми? Бу саволга ижобий жавоб айтиш



кийин. Барча хайрли тадбирларни ёдда тутган ҳолда, БМТ ҳозиргача дунё халқлари кутган «нажот қалъаси»га айлана олмапти, дейиш мумкин. Бирор минтақа ё давлатдаги муаммонинг ҳал этилиши ўша давлатнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, жўроғий ўрни, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан бири ё бир нечтаси билан қандай муносабатда эканлигига боғлиқ бўлиб қолди. Косово-ни олайлик. Мазкур ўлкада чиққан можаро БМТнинг олдиндан ўтилмасдан ҳам тезда бостирилди. Савол туғилади: Хўш, Афғонистонда давом этаётган йигирма йиллик урушга барҳам беришга нега муносабат бошқача?

«Совуқ уруш» тугаганидан кейин инсоният энди

хотиржам яшашга имкон пайдо бўлса керак, деб умид қилган эди. Сўнгги йиллардаги воқеалар хотиржамликка ҳали эрталигини кўрсатяпти. Халқаро террор, фуқаролар урушлари авж олмоқда. БМТ бу муаммоларнинг олдини ололмапти. Сабаб нимада? Аввало, таъкидланганидек, айрим давлатларнинг ўз миллий манфаатини бошқаларникидан устун қўйишида. Кейинги сабаблар БМТнинг ташкилий тузилишига боғлиқ. Масалан, бирор муаммо бўйича қарор қабул қилиш керак бўлса, бундай жараён жуда чўзилиб кетади.

Нью-Йорк учрашуви «Мингйиллик саммити» деб аталган бежиз эмас. Бир қарашда бу баландпарвоздек кўриниши мумкин. Лекин саммитнинг

қандай мавзуда ўтганини эсласак, тадбир унчалик ҳам баландпарвоз туолмайди: «БМТнинг янги мингйилликдаги ўрни». Бу ном ўз-ўзидан юқорида саниналган ва кўпчиликка яхши маълум бўлмаган қўллаб-қувватлаш эса солиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг саммитда сўзлаган нутқи кизгин қарши олинди. У энг долзарб миллий ва дунёвий муаммоларни очиб берди ва талли янги ташаббусларни илгари сурди. Аввало, БМТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтирмоқ керак, деди Ўзбекистон раҳбари. Яъни БМТнинг энг катта нуфузга эга оғанда имкон қадар кўпроқ давлатлар овозига эга бўлиши керак.

Бунда доимий аъзолар билан бирга, нодоимий аъзолар сонини ҳам кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Ислам Каримов бу ислохотни босқичма-босқич амалга ошириш жоиз эканини таъкидлар экан, доимий аъзолар қаторига Германия ва Япония қўшилишини таклиф этди.

Мазкур икки мамлакат «Катта еттилик» сафига қўшилганининг ўзидек уларнинг дунё иқтисодиёти ва сиёсий ҳаётида нечоғлиқ муҳим ўрин тутганини кўрсатади. Ўзбекистон мисолида олиб қараганда ҳам, уларнинг салоҳияти яққол намоён бўлади. Япония ҳам, Германия ҳам мамлакатимиздаги улкан лойиҳаларда фаол иштирок этиб келяпти. Иккинчи томондан Германия ва Япония БМТга энг кўп бадал тўлайдиган давлатлар сирасига қиради. Демак, ташкилотнинг қўллаб-қувватлаш маблағи ҳисобига молиялаштирилади. Мантиқан олиб қараганда, Хавфсизлик Кенгашида улар ўз овозига эга бўлиши керак.

Хавфсизлик Кенгашининг нодоимий аъзолари сонини кўпайтириш ҳам ташкилот фаолияти самарадорлигини оширади. Зеро, фақат ривожланган давлатларнинг нуқтаи назари билан қабул қилинган қарорлар бошқа мамлакатларнинг манфаатига мос келмаслиги мумкин. Шу боис БМТ фаолиятида ривожланаётган мамлакатлар иштирокини кенгайтирмоқ даркор.

Президент Ислам Каримов БМТ Хавфсизлик Кенгаши фаолияти билан боғлиқ яна бир ташаббус-

ни илгари сурди. Яъни бу органнинг мавқеини кўтариш ва масъулиятини ошириш жоиз. Бунда кўзда тутиладиган жиҳат шуки, қуролли можароларнинг олдини олиш ё уларни бостиришда Хавфсизлик Кенгаши ўта кескин чораларни қўллаш, хусусан, «муро-сага мажбурлаш» механизминини ишга солиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Дунёвий муаммолар ҳақида сўз борар экан, Орол денгизининг ҳалоқати эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ислам Каримов бу фақат Ўзбекистон ё Марказий Осиёнинг муаммоси эмаслигини яна бир бор таъкидлади ва БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаш тузилиши таклиф этди.

Дунёда ялпи хавфсизлик ўрнатиш учун экология, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларидаги масалалар қаторида қуролсизланишга ҳам жиддий эътибор бериш керак. Ўзбекистон Президенти бир неча йил илгари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббуси билан чиққанди. Ислам Каримов Нью-Йорк саммитида бу хусусда тўхталар экан, БМТ Бош қотибнинг ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси устида ишлаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлаганини юқори баҳолади.

Нихоят, «Мингйиллик саммити»да кўтарилган энг долзарб масала — Афғонистондаги уруш ва унинг оқибатлари ҳақида билмаган одам кам. Айниқса, Марказий Осиё бу муаммодан катта зарар қўяпти. Террор, айирмачилик, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддаларни контрабандасига қарши кураш минтақа мамлакатлари тараққиёт йўлида сарфлаши керак бўлган маблағнинг маълум қисмини ўзига сингдириб юбояпти. Афғуски, Косово, Босния ва Герцеговина можароларини тезкорлик билан бостиришга фаол бош қўшган Ғарб давлатлари ва халқаро ташкилотлар Афғонистон муаммосига келганда деярли эътиборсиз. Ваҳоланки, ҳеч бир уруш узок вақт давомидида бир мамлакат доирасида қолмайди. Африкадаги асли келиб чиқishi оддий фуқаролар уруши бўлган можароларга бир неча давлатлар аралашиб кетгани, афғон зиддиятининг таъсири эса нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ёки Ҳиндистон, балки АҚШда ҳам намоён бўлаётгани бунини тасдиқлайди. АҚШнинг Кения ва

(Давоми 2-бетда).

Бугунги кунда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан.

Ислам КАРИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам раис жаноблари!
Ҳурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!

Мингйиллик Ассамблеясида сўзга чиқиш ва анжуманда муҳокама этилаётган глобаллашув даврининг асосий муаммолари нуктаи назаридан, бизнингча, гўят муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим масалалар хусусида тўхталиб ўтишга имконият берилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдига турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда «совуқ уруш» асоратлари, ҳужжатлар унинг тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузорлик миллатчилик ва сепаратизм жаҳон сахнасида чиқмоқда.

Ўзбекистон БМТ фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан.

Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобигига ўралаиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея «ўзга» давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеалардан тамомилан йирқидир — бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.

Ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки, алоҳида ҳудуд ёки давлатлар давом этаётган урушлар, низолар, қарама-қаршиликлар аста-секин албатта бу доирадан чиқиб, можаролар гирдобига янги-янги ҳудудлар ҳамда қўлларни тортиб олади, минтақаларо ва давлатларро хусусий касб этади.

Буларнинг барчасини бугунги кунда халқаро террорчилик ва экстремистик қўлларнинг тарқалиши ҳамда тажовузорлик объектига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Мазкур қўлларнинг узокқа мўлжалланган режалари — минтақа давлатларини узил-кесил танланган демократик ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтариш, бу ерда клерикал-мустабид тузумларни ўрнатишдан иборат. 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш давом этиб келаётган Афғонистон бу таҳдиднинг асосий манбаи эканини исботлаб ўтиришга зарурат йўқ. Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таъин базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиқлантираётган дунё наркотик ишлаб чиқаришининг асосий манбаи — фабрикасига айланган.

Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қўлай йўللarga — коридорларга айланмоқда.

Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки мўдхис ҳодисаси — халқаро террорчилик ва наркотиқсиз ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ушбу юксак минбардан туриб мен БМТга, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилмоқчиман: Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдиддир.

Афғон муаммосини тинч йўл билан тезда ҳал этилишини таъминлаш, жафокаш афғон халқига ўз заминидан узок вақт орзиқиб қўтилган тинчлик ўрнатилишига ёрдам бериш учун бутун дунё имкониятларини ишга солиш зарур.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шунини таъкидлашни истардимки, БМТ шафелиги остидаги «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июль ойида қабул қилинган «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси» ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда ва асосий қарама-қарши томонлар ўртасида музокара олиб бориш жараёни учун реал замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Президент Кубоги

ТОШКЕНТДА УЛКАН ТЕННИС БАЙРАМИ

Республикадада кейинги пайтларда теннисни ривожлантиришга қаратилган катта эътибор миллатимизга келажак авлодининг сийҳат-саломатлиги йўлидаги ҳамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Зеро, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барчанинг бемалол шугулланиши мумкин бўлган ушбу ҳаммабдоп спорт турининг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги ўрни каттадир. Ҳозир қаерга борманг, мамлакатимизнинг ҳар бир гушасидаги замонавий теннис кортлари болалар билан эртаю кеч гавжум эканлигини кўрасиз. Зеро, ушбу хайрли савий-ҳаракатларнинг барчасига мустақиллигимизнинг меъаси бўлиши теннис бўйича Президент Кубоги турнирининг ташкил этилиши асосий туртки бўлди десак муболага бўлмайди.

11 сентябрь кунини профессионал теннисчилар ассоциацияси тақвимида мустаҳкам ўрин олган ҳолда мамлакатимизда еттинчи бор ўтказила-


ётган Президент Кубоги халқаро мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли мусобақанинг очилиш маросимида қатнашиш учун ташриф буюрган Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти Ислам Каримовни мамлакатимиз Олий Мажлиси, ҳукумати аъзолари, қорхона, ташкилот,

муассасалар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, марказий қорға йиғилган барча теннис ишқибозлари олқишлар билан кутиб олишди.

Майдонга асосий сетка қатнашчилари бўлиши 21 мамлакат байроқларини кўтарган спортчилар кириб келиб саф торттишди.

Сўнг давлатимиз раҳбари сўзга чиқиб Президент Кубоги еттинчи халқаро турнири иштирокчиларининг барчасини улкан теннис байрамининг бошланиши билан қутлади.



— Еттинчи бор ўтказилаётган Президент Кубоги турнири спортнинг энг чиройли турларидан бири ҳисобланадиган катта тенниснинг ёрқин ва унутилмас байрами бўлишига ишонаман, — деди Ўртбошимиз Ислам Каримов.


— Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, бундай мусобақалар ва уларда юқори натижадаги шундай маҳоратли иштирокчиларнинг иштироки эҳтиш фақат Ўзбекистонда эмас, бутун Осиё минтақасида тенниснинг ривожланиши ва ам-

малашувида катта туртки бўлади. Бунини жаҳон спорт жамоатчилиги ҳам тан олмақда.

Ўзбекистонда тенниснинг мисли қўрилмаган тараққиёти самараси ўларок бугунги кунда юртимизда спортчиларни ҳам жаҳон теннис юлдузлари сафидан жой олди ва олмақда.

Ўзбекистонда спортга эътибордан кўзда тутилган олий мақсад — соғлом авлоднинг вояга етказиш, миллият

(Давоми 2-бетда).



Назм

ЎЗИ АСРАСИН

Ҳой, кўндалар шўх қушим,
Ғам, ташвиш йўқ қушим.
Эркин-кўнгал тўқ қушим
Борми сира армонинг,
Домд кулган даверонинг.

Қулоқ бер бир нафасга,
Ҳеч тушмагин қафасга.
Учиб баландга-пастга
Умринг кечсин самодда,
Ўлсанг ўлгин ҳавода.

Билмай ҳурлик сафосин,
Топмай дардим давосин,
Мазлумликнинг жафосин
Етар менинг тортганим,
Етар оғу тортганим.

Қафасдек ўз еримиз,
Тутқун бўлган элимиз.
Тўққан манглай теримиз
Ундирса ҳам зар-олтин,
Юқи тегмаган олдин.

Энди сендек озодман,
Юрти кўркем ободман.
Хурлигимдан кўп шодман,
Юксак орзу-тилагим,
Толиш билмас билангим.

Ишлаб ризқ-рўз тераман,
Эркин кўкрак кераман,
Жон деса жон бераман, —
Жаҳон билан ҳамнафас
Эл-юртим тинч бўлса бас.

Мен топаман парча нон,
Сен топасан донда дон,
Серфайз, аҳил хонадон.
Баҳам кўриб эл борин
Ёзади дастурхонин.

Эрқдай бахтга эгамиз,
Уч, учавер эркемиз.
Кўзимасин эркимиз, —
Ёт кўзлардан асрасин,
Бад сўзлардан асрасин!

ЖАҲОН ДЕСИН

Қачон ёққан чалпақ осмондан,
Барча нўмат замин бағрида.
Не яралар оппа-осондан,
Манглай тердан бари-бари-да.

Ҳолва деса чучирми оғиз,
Оқдан шамдек қотганинг қолар.
Ёмби кутар танбал ва ожиз,
Қўкка қараб ётганинг қолар.

Умринг ўтар ғариб, қимтиниб,
Фойдасиздир қилмоқ оҳ-воҳ ҳам.
Эртанги кун сари интилиб
Қуймаса жон, суймас Оллоҳ ҳам.

Эрк қўйиш юртимда порлаб,
Замон бизга боқиб турибди.

Ҳаттоки ой, юлдузлар чорлаб,
Интиқ киприк қоқиб турибди.

Наҳот сўнган ғурур ва сабот,
Озод юртга фарзандимиз, ахир.
Юлдуз аро учган беқанот
Боболар-ла қилгаймиз фахр.

Бошинг қотиб, ер чизмоқ уят,
Қимдан, қайдан шўм кутгайсан.
Агар дилда соф эзгу ният,
Иқбол қушин ўзинг тутгайсан.

Ҳалол яшаш матлаби надиб,
Ҳеч бўлмаса арт юрт губорин.
Қулиб боққай, албатта, тақдир,
Қозонгайсан эл эътиборин.

Кўкдан асло ёзмагай чалпақ,
Яратгаймиз манглай тер билан.
Ношолдан чалади қарсақ,
Ҳатто нодўст бирга эл билан.

Чойхоначи, дамлагин кўк чой,
Пешлаб олай сал ақл-хушим.
Она-юртга бахш этай чирой,
Жаҳон десин: ўнгимми-тушим?!

ТЕНГСИЗ
ҲУСИ БОР

Мангуликка берилган бахтим —
Истиқлолим эмасдир сароб.
У — эришган энг юксак тахтим,
Усиз ҳолим харобдан хароб.

Минг йил яшаб мисоли қузғун,
Еб-ичмоққа рози эмасман.
Минг йил руҳан мисоли тутқун
Яшамокни умр демасман.

Бир он эркин олмоқлик нафас
Минг йилдан ҳам аъло, устивор.
Шу бир эркин нафас менга бас,
Минг йилчалик тенгсиз ҳусни бор!

МЕНГА КЎЧИРСИН

Ҳамма дардга кўксимдир қалқон,
Гард юқмасин фарзандларимга.
Керак бўлса нисор этай жон
Жондан ширин дилбандларимга.

Қаторидан қилмасин хато,
Жигарпорам қароғларим-эй.
Билишмасин тумовни ҳатто
Шўху хандон чароғларим-эй.

Бир оҳ деса, ёстиқ узра бош
Минг бор ўлиб-тирилишим бор.
Қулмагунча юзлари қўёш,
На баҳорим, на ёз, қишим бор.

Худойимнинг кенгдир қарами,
Ташвиш борки барин ўчирсин:
Болаларга келган дард-ғамнинг
Ҳаммасини менга кўчирсин!
Султон ЖАББОР.

Воқеа арафасида

ЭНГ ЯНГИ СУНЪИЙ ТАФАККУР
ТИЗИМЛАР КЎРИГИ

Буюк ипак йўли... Инсоният таракқиёт тарихининг ҳаётбахш саналмиш энг йирик ва муҳим артерияларидан бири. Шундай даврлар бўлар эдики, ушбу қарвон йўлларида чанг узок вақтгача туриб қолар ва бу вақтда аввалгидек ҳаракатлар худди бошқа такрорланмайдигандек эди.

Ҳозирда Буюк ипак йўли қайтадан тикланмоқда. Сўзимнинг тасдиғи сифатида ипак йўли бўйлаб қўзғилган ва минглаб километр масофалар орқали Германияни Хитой билан боғлаган оптик талапи алоқа тармоғини келтиришимиз мумкин. Ушбу тармоқ бутун Ўзбекистонни кесиб ўтади. Республикаимиз ушбу йирик халқаро муҳандислик-техник лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Мутахассислар тасдиқлаши мумкин: оптик талапи кабелъ ишга туширилиши билан алоқа сифати анча яхшиланди.

Янги информацион технологияларнинг муваффақиятли жорий этилишига бундай мисол ягона эмас. Бу ўринда айрим саноат корхоналари ва ташкилотларида жорий

этилган локал ва интернетга уланган глобал компьютер тarmoқларини ҳам ёдга олишимиз мумкин. Янги информацион технологиялар бугунда турли ишлар чиқариш ва ташкилий-иктисодий фаолият юритувчи соҳаларда жорий этилмоқда. Ушбу информацион технологиялар асосини энг аввало сунъий тафаккур системалари ташкил этади. Бундай системаларни ишлаб чиқишга ўзбек олим ва мутахассислари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шу йилнинг сентябрь ойида сунъий тафаккур системалари соҳасида фаолият юритувчи ўзбекистон илмий мактабларининг илмий ва техник ишланмалари халқаро кўригини ўтказиш кўзда тутилган. 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда Абу

Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Саноатни автоматлаштириш интеллектуал системалари» халқаро илмий анжумани бўлиб ўтди. Ушбу анжумон тошкентчилари: Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Тошкент Давлат техника университети, Сигенэ шаҳри университети (Германия), Озарбайжон давлат нефть академияси, Л.Заде номидаги информацион технологиялар соҳасидаги институт (АҚШ), Нью-Мексико ва Жоржия штатлари университетлари (АҚШ).

Анжуманининг фахрий раиси замонамизнинг йирик математиги ва кибернетиги, лингвистик ўзгартуручилар ва ноонинг тўпламлар назарияси асосчиси Лотфи Задедир. Анжуманининг ташкилий қўмитасида профессор М.Жамшиди (Нью-Мексико университети — АҚШ), академиклар П.Қ.Ҳобибуллоев, С.С.Ғуломов, Т.М.Миркомиллов каби таниқли олимлар ҳам аъзолиқлар.

Анжуман вақтида 23 илмий

секция фаолият юритиши. Ушбу секцияларда эксперт системалар, нейрон тўрлар, янги информация технологиялар, фожия ва ҳаёс назарияси, назорат қилиш ва бошқариш интеллектуал системалари ва бошқа соҳалар бўйича етакчи олимлар маърузалари ва ахборотларини тинглов режалоштирилмоқда.

Анжуман ишида АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой, Хиндистон, Эрон ва бошқа давлатлар олим ва мутахассислари иштирок этиш истогини билдирдилар. «Шпрингер» Германия нашриёти анжуман материаллари учун намоиш этишга мўлжалланган анжуман йўналиши бўйича бир неча видеофильмлар ҳам тайёрлаган. Табиийки, анжуман меҳмонлари Буюк ипак йўли бўйлаб сайр этадилар ва Ватонимиз гавҳари бўлмиш Хива, Бухоро ва Самарқанд каби қадимий ва навиқрон шаҳарларимизни ҳам зиёрат этадилар.

Сунъий тафаккур системалари соҳасидаги энг сўнгги ишланмалар кўригининг гузал Тошкентимизда муваффақиятли ўтишига шак-шубҳа йўқ.

Нодирбек ЮСУПБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг академиги.



Мактабларда янги ўқув йили бошланди. Ўқувчилар барча машғулотлар учун зарур анжомлар билан таъминланган хоналарда сеvimли мураббийларидан таълим олишмоқда.

Юқоридаги суратда шахримиздаги 243-мактабнинг лингвистик хонасида. Пастдаги суратда 154-болалар богчасидаги ракс тўғарагида машғулот пайти тасвирланган.



Мулоҳаза

ҲАМЖИҲАТЛИК КЕРАК

Қадимдан ўзбек халқи маҳалла, қўни-қўшнилар билан ҳамжиҳатликда яшаб келганлар. Ана ўша вақтдан қолган бўлса керак, «Бир болага етти маҳалла ота-оналик қилади», деган нақл.

— Мустақил республикаимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида мактаб, оила, маҳалла дастурунинг қабул қилиниши катта аҳамиятга эгадир, — деди биз билан суҳбатда Ҳамза туманидаги 206-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Наргиза Юсупова. — Биз устозларнинг мақсади болаларни маънавий, ахлоқий етук, доно, билимдон қилиб тарбиялашга қаратилгандир. Бу борада маҳалла, оила ва мактабнинг ҳамкорлиги жуда муҳим. Бунинг учун биринчидан, мактаб, оила, маҳалланинг бир-бирига бўлган ишончи жуда зарур. Иккинчидан, ўқувчиларнинг юриш-туриши юзасидан бир хил талаб қўйилиши керак. Учинчидан, барча ёшларга тарбиявий таъсир ўтказса олиш, болаларни оилада, мактабда ва маҳаллада бўладиган барча тадбирий, тарбиявий ишларга қатнашишини таъминлаш, ўз-ўзини бошқаришини, ижодкорлик қобилиятини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Маҳаллалар қошида, мактабларда ёш болалар ва ўсмирлар учун турли хунармандчилик тўғараклари, кичик корхоналар янама кўпайса жуда яхши бўларди. Бу эса ўқувчиларни бекорчи ишлардан узоқлаштиради.

Шуниси қувонарлики, кўпгина тўғараклар ота-оналар, маҳалла фаолларининг маслаҳатлари туфайли ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилапти. Зеро бундай иш усулларини йўлга қўйиш нафақат болаларнинг буш вақтини таъминлаб қолмай, келажакда бирон-бир касбни пухта эгаллашларига ҳам қўмак беради.

Шу билан бирга улар қалбида миллий ғурур, миллий онг, миллий ифтихор туйғулари шаклланиб, истиқлол ва истиқбол, Ватан тақдири

ҳақидаги тасаввурлари янада бойиб борса ажабмас.

Кўпгина мактабларда бу уч ҳамкорлик сезиларли даражада қўринаяпти. Биргина мисол. Мен ишлаётган 206-мактабда ҳам бу нарсани кузатиш мумкин. Мактаб директори Феруза Мадаминаева бошчилигида «Бинокор» маҳалласи оқсоқли Абдурашид ака Абдусаматов, фаоллардан Зумрад опа, Исмоил ака қабилар бундай олийжаноб ишларда фаоллик кўрсатиб, ёш авлоднинг тарбияси учун мактаб, оила билан улуғсиз боғланиб бормоқдалар. Бу эса фақатгина ижобий томонини кўрсатаяпти.

Президентимиз ушбу йилни Соғлом авлод йили деб атадилар. Фарзандларнинг ақлан, жисмонан соғлом бўлиши кўпроқ бизларга боғлиқ. Ота-оналар билан фақат мактаб, ўқитувчилар эмас, маҳалла жамоаларининг ҳам масъулияти бирдек бўлиши лозим.

Биз оталардан фарзанд тарбиясида кўпгина нарсаларни талаб қиламиз, уларнинг қаттиққўлчилигини қадрлаймиз.

Биз оналарнинг азал-азалдан қўйганимиз бўш. Болаларимизнинг айрим ноҳўж хатти-ҳаракатларини оталардан яширишга уринамиз. Бу эса ёмон оқибатларга олиб келишини кеч, жуда кеч тушунамиз. Айрим оталар ўз фарзандининг нечачи синфда ўқишини ҳам билишмайди. Ота-оналар мажлисида ҳам фақат оналар иштирок этишини яхши биламиз.

Истардимки, синф мажлисларида албатта оталар ҳам иштирок этсалар. Дарс соатларимизга қанчалик тайёр ёки тайёр эмасликлари кўзатсалар, фаол ёки пассивлигини билсалар ва бундан тўғри хулоса чиқарсалар айни мuddо бўларди.

Феруза ОДИЛОВА.

Туйғулар

СОҒИНЧ

Тонг. Осмон ним кўйиш. Юзимни силанган майин шабада димоғимга аттиргулнинг ёқимли исини келтиради.

Ҳаёт уйғонмоқда, кўнгуллар уйғонмоқда, муҳаббат уйғонмоқда. Оламни нурафшон этиб қўёш бош кўтармоқда.

Дўстим, мен сени эсладим... Болалик — ажиб саодатли давр. Эҳ, бизнинг болалиқдаги лозима, осмон қадар мусаффо орзуларимиз. Эсингдами, сен учувчи, мен эса дўхтир бўлиб ҳаммани «хайрон» қолдирмоқчи, буюк кашфиётлар яратиб «катта» одамлар бўлиб кетмоқчи эдик. Узоқ-узоқ суҳбатлар қурадик, келажак ҳақида, бахтли ҳаёт ҳақида...

Энди билсам, ўша пайтлар беғубор орзулар ва беозор даврлар, яшаб-чарақлаб юрган кезларим энг бахтиёр кунларим экан!

Дўстим! Сен менинг энг яқин сирдошим эдинг. Ҳеч кимга айтмаган кўнгул сирларимни, дардларимни сenga соатлаб сўзлардим. Мана, орадан шунча йиллар ўтибди. Ишонсанми, сени бот-бот эслаيمان ва жуда соғинаман. Сен-чи, сен ҳам ёдга оласанми мени?

Дўстим! Бирга ўқиган пайтларимиз, талабаларимизнинг олтин даври. Худди кечагидей ёдимда, мен «севган энг чиройли гул» — аттиргул олиб қошимга келганим, тугилган куним билан муборакбод этганларим. Мен ўзимдан ҳам сенинг бахтли ҳаёт кечиряшингни истардим... Мен жуда катта хато қилдим, ишон. Аммо сенинг ўрнингни ҳеч ким боса олмайдди.

Болаликнинг таърифи ташбеҳига қалам ожиз. Болалиқдан мусово юрак уни ҳаргиз қўсмасамин, ундан йироқлашаверади...

Дўстим, мен сени эсладим...
Шоҳида МАХМУДОВА.

ШАРҚ ДУРДОЧЛАРИ

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИБ
ДОМО БУЛАВ...

• Эй азиз, араблар орасида «Бахиллик оловдир» деган мақол бор. Чунки бахиллик ўз соҳибини ғам ўтида ёндиради. Араблар бировни бахилликда айбламоқчи бўлсалар уни «Нодир бахил» дейдилар. Бу сўзнинг келиб чиқишига Нодир исмли киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қуйидагича экан. Айтишларича, бани билал қавми орасида Нодир исмли киши бўлиб, у бахилликда маълум ва машҳур бўлган экан. У ҳар кунни ўз туяларини суғориш учун қудуқдан сув тортиб олар, қудуқ ёнидаги ҳовузчага қуйиб суғорар ва туялардан ортиб қолган сувни ҳовуздан яна қайтиб олиб далага сепаиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослаб қўяр экан. У ҳар кунни шу одатини такрорлашини қўймас экан. Унинг яна бир қилиги бўлиб, туялар тезагини тепалаб, тупроққа аралаштириб юборар экан: чунки тезақдан ўтин сифатида бошқалар фойдаланишини хоҳлама экан. Шунинг учун уни «Нодир бахил» дейишарди. Ўша кундан бошлаб ким бахил бўлса уни «Нодир бахил» дейиш одат тусига кириб қолибди.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.

• Бир киши Мусъаб ибн Забайр олдида келиб, Аҳнаф ҳақида қўрқинчи уйдирма ғийбат гапларни гапирди. Мусъаб Аҳнафни қақиртириб келди. Унга хитобан воқеани баён қилди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлғончи ва ғийбатчилигини айтиб, ўзини оқлашга киришди. Мусъаб деди: — Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганда ишончга лойиқдир!

Аҳнаф унга деди:

— Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда эди, ғийбатчининг сўзига қулоқ солмаган ва уни уйингдан ҳайдаб чиқарган бўлардинг!

• Ҳикмат. Бойлик ўткинчи нарсасидир. Ақлли киши ўткинчи ҳою ҳавасга берилмайди.

Байт:

Бойлигинг роҳатинг бўлса ҳам сенга,
Фано губоридан бўлади барбод.

Ҳақиқий бойлиқни кирит қўлингга,
Икки қулиқ нарсаси учун бўлма шод!

• Ғазабсиз кишини синмас киши дейдилар. Мулоим киши шундай кишики, ғазаб ўтини жидду жаҳд билан танидан чиқара олади.

Байт:

Ғазаб келса ундан энгилмоқ нуқсон,
Ғазабни енгилан ҳақиқий мардор!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

• Маъмун ўз даврида машҳур бўлган бир олимдан илтимос қилиб: «Бир-икки оғиз фойдали сўз айтсангиз, токи ундан кўпчилик манфаат топсин!» — деди. Олим унга қуйидагиларни айтди:

— Киши учун энг фойдали хислат — ғазаб келганда ўзини босиш, суқут сақлаб жим туриш, ғазаб босилгандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлинг чиққанда ўзингни бос, бировга фойда келтирмайдиган ва дилни огри-тадиган сўзларни гапирма, топишинга қараб харж қил, киримдан ортиқ чиқим қилсанг ўзгаларга муҳтож бўлиб қолсан, ўзингга наф келтириб, бировга зарар келтирадиган фойдадан кеч, ишни қахру ғазаб билан эмас, қучур мулоҳаза билан қил. Бировлар ҳақида гапирганинга уларнинг номини ёмонлаб тилга олма, оранг бузилиб қолган кишидан яхшилик кутма. Биров сенга сир айтса бу сирни ҳар кимга гапириб юрма. Айбингни олдинда айтган ва қулфатга қолганинга ҳамроҳ бўлган кишининг дўст деб бил!

Абублорахот КОДИРИЙ.

• Агар киши эҳтиром ва эътибор гавҳарини қидирувчилардан бўлса гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар, аксинча эътибор тамғасини нафс итининг бўйнидан олиб, гадо-лар каби қўлини очиб, ўткинчиларга тама қўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланиб қорин тўйдириш пайида бўлса, яхшиси обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб, тиланчилик қилгани билан қўл.

• Йиғитни балоғат ёшига етиши билан уйлантириб қўймоқ зарур. Шунда у зино қилиш пайига тушмайди, одамларнинг номусли қиз-жувонларига ёмон назар билан қарамайди.

Бархурдор ибн МАХМУД.

• Бир киши олдинда келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтган деб ўйлама. Балки уни бу феълдан қайтар. Ўзинг ҳам бундай сўз ва феълдан ҳазар қил!

• Ҳикмат. Суқрот ҳақим айтади:

— Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор!

Байт:

Зулм асосига қурилган бино,
Ғазаб оташидан айирин бўлажак!

• Жавобга шошилган киши хатога йўл қўяди. • Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарсаси бор: хушмуомалалик, одоб ва садоқат.

• Меҳмонга борганда уй эгасидан унс ёки тузгина сўраб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ейиш беодоблик ҳисобланади.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ.

Махмуд ҲАСАНИЙ таржумаси.

